



420 йил жужанлар кудратда энг юкори чўккига кўтарилган эдилар. Шимолдаги ва гарбдаги кўшнилари устидан эришилган осонгина галабалар Жужанни Буюк Даштда хукмрон килган бўлса-да, бу хонликка на гуллаб-яшнаш ва на осойишталик келтирди. Жужанларнинг асосий душмани Тоба-Вэй империяси бўлиб, жужан хони Датан ушбу табиий ракиби кучайиб кетмаслиги учун кўлидан келганча харакат килди.

424 йилда Датан 60 минглик отлик аскар билан Хитойга хужум уюштириб, унинг пойтахтигача етиб борди ва императорнинг дала саройини талон-тарож килди. Тоба лашкарига сафарбарлик эълон килингани ва жужан лашкари орасида интизом йўқдиги туфайли у жангга кирмасдан оркага кайтди. 425 йилда эса тобаликлар жужанларни Гоби сахросининг нариги томонигача суриб ташладилар. 430 йилда император Тай-у-ди (Тоба Дао) жанубий Хитойда бемалол харакат килиш имкониятига эга бўлиш учун жужанларни йўқ килишга қарор килди. Даштга сон-саногии йўқ кўшин кадам кўйди: жужанлар дуч келган томонга таркаб кетди. Датаннинг ўзи гарб томон кочиб бадар кетди. Унинг одамларини телелар ўлдирдилар. Датаннинг ўгли Уди эса қаршилиқ кўрсатишни бефойда хисоблаб, Вэй империясига хирож тўлашга тутинди. Бирок бу келишув 437 йилда айнан ўша Уди томонидан бузилди, у ўзи хужумни бошлади. Жужанлар талончилик килмасдан яшай олмаймиз, деб ўйлайдиган кўринади. 439 йилги жавоб юриши эса Тоба императорига ҳеч қандай наф келтирмади, у дараларга таркалиб, яшириниб олган жужанларни топа олмай оркага кайтишига тўғри келди. Тобанинг Хэси билан уруш олиб бораётганидан фойдаланиб 440 йилда Уди яна чегарага хужум килди, лекин бу ерда қолдирилган қисм унинг авангарини асир олди. Жужанлар яна қочишди. Бундай вазият 445 йилда янатақрорланди, кейин Уди ўлди. Тахт унинг ўгли Тухэчженга (445-464) қолди.

Энди бу икки салтанат мавқеи алмашинди. Тоба Вэй ўз кудратининг чўккисига етди, унинг лашкарлари даштнинг ичкарасигача кириб, жужанларни тоғларда беркиниб жон сакдашга мажбур этдилар. Аслини олганда бу уруш эмас, балки жазо юришлари эди. Тухэчженнинг ўгли ва вориси Йуйчен (464-485) курашни давом эттиришга уринди, аммо 470 йилда енгилиб, 475 йилда сулҳ сўради ва хирож тўлади. Жужан қолдан тойган эди, Хитоига юриш қиладиган мадори қолмаганди. Энди талончилик қилиш манбаи сифатида бироз қашшоқ бўлсада, заиф бўлган гарбий ўлкалар танланди. 460 йилда жужанлар Турфан воҳасини қўлга қиритдилар, бу ерда тобаларнинг зафарли юришларидан қочиб келган ҳамда бир вақтлар ўзларига иттифокдош бўлган жанубий хунларни тор-мор қилдилар. 470 йили жужанлар Хўтанни таладилар, бирок қучайиб бораётган эфталит давлати жужан босқинчилигини тўхтатиб қўйди. Тяньшан тоғлари Жужаннинг чегараси бўлиб қолди.

Жужаннингянги хони Доулун (485-492) "шафкатсиз, котилликка мойил киши эди". Тахтни эгаллаши биланок аъёнлардан бирини бутун уруги билан бирга катл килди. Бутун мамлакат бир сесканди. Хоннинг Хитойга юриш тадориғи эса ундан бадтар таъсир килди. Хитойга хатто жуда барорли хамла кетидан кейин хам хитой кўшинининг жавоб хужуми борлигини ва бу хужумни кайтара олишнинг мутлако имконсизлигини хамма тушунарди.

Теле уругининг оксоколи Афучжило хонни хужум уюштирамасликка кўндириш учун кўп уринди. Бирок унинг маслахатлари хонгатаъсир этмаётганлигига каноат хосил килгач, барча телеларга бош бўлиб исён кўтарди. Ўша кезларда телеларнинг сони кам эмасди (хитой хабарларига кўра 100 мингўтов). Афучжило гарбга-Иртиш дарёси вохасига кўчиб кетиб, у ерда "Кўкнинг улуг ўгли" унвонини олиш билан жужан хони билан тенгликни даъво килди. Кейин уруш алангаси янада авж олди.

490 йилда хитой кўшини даштга шимол томондан бостириб кириб, телелар билан биргаликда Жужанни исканжага олди. Жужаи арбоблари бутун айбни толесиз хонга юклаб, уни ўлдирдилар (492).

Теленинг гарбга силжиши муҳим тарихий воқеа бўлди, хонавайрон бўлган телелар бу ерда ўз салтанатини туздилар. Осиёда яна этногенез жараёни бошланди. Мана шу вақтларда Олтой тоғларида турклар халқбўлиб таркиб топди, Брахмапутра водийсида тибетликлар шаклланди, Хитойда эса ўрта асрларнинг ажойиб маданиятини яратган Суй ва Тан сулолаларини вужудга келтирган уйғонишдаври бошланди.

Гаогуй — Телеут хонлиги. Телеутларнинг ажралиб чиқиши хамда 492 йилги давлат тўнтариши Жужан тарихида кескин ўзгаришга олиб келди. Будавет Марказий Осиёдаги хукмронлигини йўқотиб, энди хокимият учун эмас, балки яшаб қолиши учун жанг олиб боришига тўғри келди. Ўлдирилган Доулун ўрнига ўтирган Нагай атиги бир йил хукмронлик килди, у ўз идораси чоғида амал килган шиор "ховликмаслик" бўлиб, бу ўтмишдошининг жанговарлик хаёлларидан воз кечиш дегани эди. Нагайнинг ўгли Футу эса, то имкон бориша отаси сиёсатини давом эттирди.

Шу аснода телеутлар янги жойга ўрнашиб олдиғина эмас, хатто хун даврининг оқоваси бўлмиш Юэбанни тор-мор келтирди. Янги жойда телеутлар ўз давлатини тузишга харакат қилишди. Бунинг учун халқини иккига бўлди: шимолдаги хукмдор Афучжило "Улуг император" унвонини қабул килди, жанубий хукмдор эса "Валиахд подшо" унвонини олди. Улар ўзлари давлатини қандай номлаганлиги номаълум, бирок хитойлар уни Гаогуй деб атаганлар. Унинг лугавий маъноси "баланд арава"дир. Айнан шу ном билан бу давлат тарихда қолган.

Гаогуй сиёсати Хитойга уйғунлаштирилган бўлиб, эвазига у ердан қийимбоп ипак олмакчи бўлган, аммо бу ипаклар унга наф келтирмаган. 494 йилда эфталитлар Эронни тор-мор қилиб, орқа томонни мустахамлаб, шимолга хужум бошлади. Жанубий Гаогуй давлати яшин тезлиғида тугатилди. "Валиахд подшо" ўлдирилиб, оиласи асир олинади, ахалиси тарқалиб кетади, уларнинг бир қисми жужанларга бўйинсунса, бир қисми Хитой тасарруфидаги худудларга кўчиб кетади. 496 йилда эса шимолий салтанат хам осонгина босиб олинади. Эфталитлар асир олинган беклар орасидан Мивоту деган бекни танлаб олиб телеутларнинг қолган қисмига бошчи қилиб тайинлайдилар. Шундай қилиб Гаогуй эфталитларнинг вассалига, жужанлар душманига хамда 60 парча ипак мато берганлиги учун Хитойнинг иттифоқдошига айланиб қолди. Айнан ўша вақтда (497 й.) эфталитлар Қарашарни эгаллаган бўлса керакки, Турфон водийсидаги Гаочан беклигининг хокими хитойлик Жу, Хитой хукуматида унинг фуқароларини қабул қилиб, Хитой ерларига

жойлаштиришни сўрайди. Жужанни гўё пўлат халка сикиб келмокца эди. Бирок гаочанликлар ўзлари ўрнашиб колган жойлардан кетишни истамайдилар ва хокимини ўлдириб Жужанга кўшиладилар. Бу Жужандаги иктисодий танглик холатининг бир оз яхшиланишига олиб келди, яъни дехкончилик ривож топган Гаочан Жужанни дон, мева-сабзавот ва газламалар билан таъминлаши мумкин эди. Бирок айтиш чогда бу сиёсий вазиятни кескинлаштириб ҳам юборди: Хитой императори Сюан-у-дига бу холат ёкмасди. Футухоннинг тотув яшаш хакидаги илтимосига жавобан император: шимолга кам эътибор берилиши, хозирча у Жанубий Хитойни эгаллаш билан бандлигини билдириб жавоб берди ва Футунинг ўзи ҳамда фукораларини исёнчилар деб билишини баён килди. Шу воқеалар асносида Гаочанда хитойпарастлар голиб бўлдилар ва Жужан билан иттифокликка бархам берилди. (500 й.)

Гарбий ўлкада Хитой манфаатларини кўллаб-куватлаш учун мунтазам кўшиннингуч минг нафар аскардан иборат бўлаги Мин Вэй кўмондонлигида жўнатилди. Хамида ўрнашиб олгач, у жужанларни бир четга кисиб кўйди. Футунинг Хитойга йўллаган янги элчилиги жавобсиз колдирилди. 60 парча ипак эвазига кон тўкиши керак бўлган телеутлар жужанларга карши гиж-гижланди. Пулэй кўлига якин жойда Мивоту жужанларни маглуб этди. Улар жануб томон кочдилар, бирок Бэйшан тоғларида Мин Вэйнинг Хитой бўлуклари уларни кутиб турарди. Вахима босиб оркага коча бошлаган жужанлар телеутларга дуч келдилар ва яна маглуб бўлдилар (508 й.). Киргинда бахтикарро хон Футу ҳам халок бўлди. Унинг бош терисини Мивоту Мин Вэйга юборди. Бунинг бадалига хитойлар мусикий асбоблар йигимини, 80 нафар мусикачиларни, 10 парча ол рангли, 60 парча турли рангдаги ипак матолар тўладилар.

Халок бўлган Футунинг вориси бўлмиш Чеуну Хитой билан келишишга икки марта уриниб кўрди ва уни факат куч-кудратгина куткариб колишини англаб етди. 516 йилда у Гаогуйга хужум уюштиради, Мивотуни енгади ва унинг ўзини асир олади ҳамда ўзгача бир тарзда катл этади. Уни бир кирчанги отнинг корнига оёқларидан боглаб кўйиб, отни то Мивоту судралишдан ўлгунча камчилаб хайдаб юргизадилар. Мивотунинг бош чаноги сирланиб, косага айлантирилади. Жужанлардан кутулиб колган телеутлар эфталитларга кўшиладилар. Ушбу воқеалардан кейин Вэйнинг императори Сяо-мин-ди Жужан хонлигининг элчисини қабул килади (518 й.). Унга карамлик (вассаллик) мажбуриятини тўла бажармаганлиги учун берилган хайфсан ўкиб эшиттирилади. Бундай тарздаги қабул хар кандай турдаги келишувга йўл очарди, бу Жужан чорасиз бир вазиятдан чикиб олгандай бир таассурот колдиради.

Жужандага киргин. Чеуну Жужанни куткариб колиш учун нима килиш керак бўлса, хаммасини килди. Телеутларни тор-мор этгач, у гарбда урушни давом эттирмади, эфталитлар билан битим тузди. Бу битим жужан маликаларининг эфталитлар аъёнлари ўртасидаги никохлари билан мустахамланди". Шаркда эса жужанлар дидэуган деган манчжур кабиласига карши биргаликда курашиш ҳамда Вэй хонадонининг Манчжуриядаги мавкеини сусайтириш учун Корея (Гао-Гюйли) билан тил топишди. Турфон масаласи ҳам муваффақиятли хал килинди. 518 йилда Турфон водийси ахолисини кўчириб, ички Хитойга жойлаштириш фикридан расман кайтилди ва Гаочан беклиги тан олинди. Турфонлиларнинг жужанлар билан савдо-сотиги тўхтаб колмаган бўлса керак, чунки Жужан муттасил равишда дон за мато билан таъминланиб турган. Темир ашёларни эса уларга олтойлик карамлари (вассаллари) туркутлар (турк-тукюлар) етказиб берган. Бирок ўрданинг яхлитлиги бузилиб бўлган эди, Жужанга буддавийлик кириб улгурганди. Одатдагидек, буддавий миссионерлар биринчи навбатда хонни бузди,

диниға киритишди. Ўрдада "шамин"лар ва "ни"лар пайдо бўлишди (шамин - будда рухонийлари, ни рохибалар). Янги бир шароитда буддавийлик акл бовар килмас шакллари ни кабул килди: рохибалар конуний эрли бўлиши хоннинг парвосини бузмади. Айни чоғда бу борада ахборот ни хоятда кам бўлишиға карамай, айтиш мумкинки, буддавийлик бу ерда хаммаға хам ёкиб тушмаган. Динда мухалифлик хон оиласида хам, лашкар ичида хам бор эди. Хар качонгидан хам Жужан учун жипслик зарур бўлган бир вақтда келишмовчилик келиб чикди. Жужаннинг 513 йилда Хитойға йўллаган элчилиги бошчиси Хунсюан деган шамин бўлиб, ў "инжу билан копланган бут" келтирди. Бу кўчманчилар тарихида рухоний кишининг биринчи марта дунёвий вазифани ўташи эди. Ундан хам бошка кизикарли воқеалар бўлиб ўтди. Жужан ўрдусида Дэу-хун диван деган ёш шаман киз яшар эди. Унинг лакаби - "диван" форс тилида "фидойи" деган маънони ифода этарди. У арвохлар воситасида азайимхонлик килар ва даволар эди. Чеуну уиға каттик ихлос кўйган эди. 5 Хитой йилномачиси уни лутгивоз ва фирибгар деб хисоблайди ва унинг фкрибгарлиги хакида хикоя килади, лекин бизға кераги бу эмас. "Чеуну уни жуда хурматлар, севарди, унинг гапига кириб, давлат идорасини издан чиқариб кўйдк". Хон ўрдасида бу жазманға нисбатан мухалифлар йайдо бўлди. 520 йилда Чеуну юришда бўлган кезде диванни хоннинг онаси буйруги билан бостириб кетадилар. Чеуну кайтгач эса, онаси сарой эъенлари билан тил бириктириб уни хам ўлдиришади, тахтға эса бошка ўғди - Анахуанни ўтказади.

Ўн йил ўтиб Чеунунингхуни олинди. Хоннинг кариндошларидан Шифа деган кимса ўрдаға хужум килиб кўлга олди. Анахуан Хитойға кочишға улгурди, бироқ онаси ва укалари ўлдирилди. Анахуан Хитойдан шафкат сўраб юрган кезларда, унинг тоғаси Поломин тарафдорлар тўплаб Шифани мағлуб этди. Шифа Манчжурияда яшовчи дидэуган 17 кабиласи даргохига кочиб борди ва у ерда ўлдирилди. Поломин хон унвонини олди. 521 йилда эса уни кўзголон кўтарган телеутлар енгди ва у хам колган-кутган фукаралари билан Хитойға кўчиб кетди. Жужан яна халокат жари лабига келиб колди.

Хитой ўз муддаосига етди: Жужаннинг хар иккала хони унинг кўл остида эди. Шимолдан келганлар "давлат чайкалиб колгани, хар бир кабила ўзича яшаб, бир-бирларини пайт пойлаб талаш" хакида миш-мишлар олиб кела бошладилар. Талатўп холатдан телеутлар фойдаланиб колишди: азоблаб ўлдирилган Мивотунинг укаси Ифу Гаогуй давлатини тиклади ва 521 йилда Поломин Жужанини енгди, уларни Хитойға хайдаб юборди. Ўша йилнинг кузида Анахуаннинг укаси Синиф бошчилигидаги гаогуйлардан енгилди улар хам Хитойға кочади. Хитой хукумати муваффакиятларни мустахамлашға карор килди. Поломинни ўз тарафдорлари билан Хитой ичкарасига - Кукунор кўли атрофига, кўпрок ишонч козонган Анахуанни бўлса чегарадан ташкарига - Дунхуандан шимолроққа жойлаштирилди. Уч нафар синглиси эфталит шохининг хотини бўлган Поломин ўша захотиёк эфталитлар томон кочмокни мўлжаллади. Аммо уни ушлаб камадилар ва у камокда оламдан ўтди. Анахуан анча босик ва бардошли эди. 522 йилда у уруглик учун 10 минг коп тарик сўраб олади, бироқ жужанлар уни еб кўйишган бўлса керакки, окибатда кейинги йили очарчилик бўлиб, Хитой ахолисини талайдилар. Ходисани аниқдаш учун юборилган хитой мансабдорини Анахуан тутукдайди, кўли етган жойларни яғмо килиб, бутун ўрду билан биргаликда шимолға кўчиб кетади. Ўша ерда хитойлик амалдор кўйиб юборилади. Анахуаннинг кетидан кувиш учун юборилган жазоловчи кисм курук кўл билан кайтади. Бу лол колдирувчи можаро натижасида жужанлар омон коладилар.

Вэй императорлиги шиддат билан парчаланиб, хар йили янги сиёсий вазият юзага келарди. 496 йилдаёк хи (татабилар) исёнидан сўнг Гарбий Манчжурия кўлдан чиқарилди; Жанубий Хитойдаги Лян империяси жонланиб колди, ниҳоят 524 йилда империянинг энг шимолида Во-йэ калъасида бошланган исён учкуни аланга олиб шиддат билан таркала бошлади. Анахуан бу кўзголонни бостириш учун шайланди ва 525 йил бахорида исёнчиларни тумтаракай килди. Бу иши учун у "хар турли нарсалардан иборат" мукофотолди ва тўлик кечирилишга эришди. Навбат Гаогуйга етди. Телеутлар билан яккама якка колган жужанлар уларни янчиб ташлади. Урушни давом эттиришга ҳаракат килган Ифу ўз укаси Йуегуй томонидан ўлдирилди, бироқ 534-537 йиллардаги урушда ўзи ҳам тор-мор келтирилди. Ифунинг ўгли Биди эса амакисини ўлдириб, каршилиқ килаётганларга бошчилик килди. 540 йилда Бидини жужанлар маглуб этгач, Гаогуй давлат сифатида ер юзидан йўкотилди. Ўша кезларда Хитойдаги Вэй империяси ўзаро доимий уруш ҳолатида бўлган шарқий ва гарбий қисмларга бўлиниб кетди. Бу шароитда Анахуан хал қилувчи қуч бўлиб колди, чунки уларнинг иккаласи ҳам унинг олдида ҳушомад қилишга мажбур колдилар. Бу Жужан конли шухратининг сўнгги нури эди. Ургочи бўри аждодлари. Ўз насабини билиш ва ўрганиш Марказий Осиё халқларида азалий бир удум эди. Кизиги шундаки, уларнинг аксарияти ўз асл-насабини у ёки бу жониворга такарди. Жумладан, тибетликлар эркак маймун ва ургочи рақшаса (ўрмон рухи)ни ўзларининг насаббошиси деб билсалар, мўғуллар бўз бўри ва ола қийикни, телелар бўри ва хун шанйуйи кизини, турклар бўлса хун шахзодаси ва ургочи бўрини насаббоши ҳисоблардилар. Сўнгги икки афсона жуда қадим замонларда, яъни бу икки қавм хали буюқ Гоби саҳросининг жанубий чеккаларида яшаб юрган чоғларда вужудга келган. Бинобарин, мифология муайян даражада сиёсат тарихи ва этногенез фактлари билан қувватланади.

Тобалар Шимолий Хитойни қўлга қиритган палладаги қавм ва қабилалар орасида "Ашиннинг беш юз хонадони" ҳам бор эди. Бу беш юз хонадон турли-туман уругларнинг қатишиб кетишидан ҳосил бўлганди. Уларнинг яшаш жойи Шенсининг гарбий қисмида бўлиб, IV асрда хунлар ва санбийлар томонидан Хитойдан тортиб олинган эди. Ашина уруги Хэси (Ордоснинг гарбий томони, Хуанхэ тирсаги ва Наншан оралигидаги ерлар) ҳокими хун беги Муганга бўйсунар эди. 439 йилда тобалар хунларни маглуб этиб, Хэсини Вей империясига қўшиб олгач, беш юз хонадонли Ашина беги жужанларга қочиб ўтади ҳамда Олтой тоғининг жанубий ёнбағирларида макон тутиб, шу ерда жужанлар учун темир қазиб, темир усқуналари тайёрдайдилар.

Тарихий матн бутун турк халқининг келиб чиқиши ҳақида ҳеч нарса демайди, у фақат унинг ҳукмрон уругининг келиб чиқиши ҳақида сўзлайди. Туркларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ушбу ривоят афсоналардан ҳоли. Афтидан Ашина ноаниқ сабабларга қўра қўплаб санбий ва хун беклари билан чиқишмаган қочоклардан иборат тўда бошлиги бўлган. Мана шундай қичик-қичик ҳарбий тўдалар галаёни III-V юзйилликларда қўплаб пайдо бўлган ва аксарияти изсиз йўқ бўлиб кетган, шунинг учун уларни давлат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Хитойлар Ашина хонлари қўл остидагиларни ту-қйу деб аташарди. Бу сўзни П. Пельо тигк-ит шаклида жуда аниқтиклаган. " Туркут" нит маъноси "турклар" демақдир, - ут турки эмас, балки мўғулча қўплик қўшимчаси. Қадимий турк тилида барча сиёсий атамалар мўғул тилидаги қўплик қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу эса бундай атамалар турки тил доирасига ташқаридан қирган, деган фикр уйғотади. Турк сўзининг ўзи "қучли, мустаҳкам" маъносини англатади. А. Н. Кононов фикрига қўра,

бу сўз жамловчи от бўлиб, бора-бора уруглар жамъини ифода этувчи этник номга айланган. Бу уюшманинг илк тили кайси тил бўлишидан катъий назар у тарих сахнасига чиккан паллада - V юзйилликда унинг барча аъзолари учуи тушунарли бўлган кабилалараро тил санбий, яъни кадимги мўгул тили эди. Бу тил харбий буйруклар, бозор ва дипломатия тили эди. 439 йилда Ашина Гоби сахросининг шимолий чеккасига кўчиб ўтганда айнан шу тилда мулокот килинар эди.

"Ашина" сўзининг маъноси эса "бўри"дир. Туркичасига бўри тушунчаси кашкир ва бўри сўзлари билан берилади, мўгул тилида эса, шоно//чжодир. "А" хитой тилидаги хурмат ифодаси бўлган олд кўшимчаси. Демак, "Ашина" дегани "олижаноб бўри" деганидир. Ушбу сўзнинг хитойлашмаган шакли ўша кездеги араб матнида "шанэ" шаклида учрайди. Бизнинг хозирги билимимиздан келиб чиккан холда ашина хонларининг — тотемчи эканлигини аниқдаш кийин, бироқ VI аср турклари учун "бўри" тушунчаси жуда катта ахамият касб этганлигига шубха йўк. Хитойлик муаллифларнинг турк халklarининг карашига таянган холда таъкидлашича, "турк хони" т "бўри " тушунчалари синоним бўлган. Санбий маликаси эри бўлмиш Шаболио хон тўгрисида гапириб "хон ўз хусусиятларига кўра бўридир" дейиши бежиз эмас. Туркларга карши хужум килиш низомида эса: "бундайларни меъёрида истеъмом килмок керак, кўчманчиларни кувиб, бўриларга хамла килиш лозим" дейилади. Турк байрокдарига бўрининг олтин калласи зеб бериб турган ва ниҳоят, туркларни келиб чиқиши хакидаги икки ривоятда асос деб ургочи бўри олинган. Бир-биридан бироз фарк килувчи бу икки ривоятда энг мухими, тарихан бўлиб ўтган воқеа - ашина уругининг. Гансудан кўчиб келганлигига ўрин берилмаган. Шундан келиб чиқилса, бу ривоятлар келгинди бўлмиш бу уругни мазкур ерлардахакки борлигини асослаш учун Олтойга кўчгач, махсус тўкилган бўлиши мумкин. Биринчи ривоятнинг эътиборли томони шундаки, унда Хун хонадонига Гарбий ўлкадан гарбгача тегишли эканлиги, яъни Аттила давлати хакида хам хабардорлик маъноси бор... Бу хонадон кўшни каттоллар томонидан бутунлай кириб ташланади, факат душманлар оёк ва кўллари кесиб ташданган тўккиз яшар болани боткокда колдириб кетадилар. Бола жарохатларидан омон қолиб, бўри билан ковушади. Душманлар кайтиб келиб болани ўлдиришади. Бўри эса Олтой тоғларига кочиб бориб у ерда ўн нафар бола тугади. Насллари кўпайиб ва бир неча авлод ўтиб Асян-ше деган кимса бутун уруги билан гордан чиқади ва жужанларга ўзларини вассал тутадилар". Шундай килиб, ушбу ривоят бўйича, Олтойдаги турк-туқйулар (туркутлар) гарбий хунлардан тўгрдан-тўгри эмас, афсонавий тарздаги ургочи бўри воситасида тўраган бўлиб чиқади. Агар гарбий хунлар 468 йилда кувгин килиниб кириб ташлангани, турклар эса 545 йилда халк сифатида тарих сахнасига чиқиши хисобга олинса, ажабланадиган томони кўпайиб, авлодлар алмашилишининг суръати тезлиги хайратланарли бўлиб қолади!

Иккинчи ривоятга биноан турклар махаллий Со уругидан, бироқ улар хам ургочи бўри воситасида бунёдга келади. Со уругининг барча аъзолари "ўзларининг ахмоклиги туфайли" халок бўлади (ахмоқдиги канака эканлиги айтилмайди), факат ургочи бўридан бўлган тўрт набираси хаёт қолади. Тўнгичи оккушга айланади, иккинчиси Цигу номи билан Абу ва Ган дарёлари оралигида макон тутади, учинчи ва тўртинчилари жанубий Олтойдаги Чуси (Чуе) дарёси сохилига ўрнашадилар. Бу ривоятни Н. А. Аристов тахлил килиб, ривоятдаги Со билан шимолий Олтойдаги Бие дарёси хавзасида яшовчи хозирги кумандиларнинг Со уругини чоғиштирган. Биринчи набирани Ку-кижи кабиласи билан иккинчисини Абакан (Абу) ва Енисей (Ган-Кем) оралигида яшовчи киргизлар билан боглайди. Тўнгич ўгилнинг набираси аввалги ривоят бўйича Асян-шедир. Мана шу

нуктада хар икки ривоят уланиб кетади.

Мўгул Олтойининг тоголди минтакалари хунлардан таркаган турки тилда гаплашувчи кавмлар томонидан макон тутилган бўлиб, мазкур кочоклар хам шу ерга келиб колган эди. Мана шу туб ахоли билан Ашина бегининг тўдасидагилар аралашиб кетади ва чатишма номини "турк" ёки "туркут" бўлишига олиб келади.

Бу сўзнинг такдири бизнинг мавзумиз учун шу даражада мухим ва зарурки, унга алохида эътибор беришга тўгри келади. Турк сўзи 1500 йил давомида бир неча бор ўз маъносини ўзгартирган. Айтилганидек, V асрда Ашина бек теварагида уюшган Ўрда ва VI-VIII асрларда таркиб топиб, турли тилда гаплашган кичик бир халк турк деб аталган.

Араблар Ўрта ва Марказий Осиёнинг барча кўчманчи ахолисини, тилидан катъий назар турк деб атаганлар. Улар орасида биринчи бўлиб Рашидиддин, тил хусусиятларини хисобга олган бўлса керак, турк ва мўгулларни фарқдай бошлади. Хозирги кунимизда эса "турк" атамаси факат лисоний тушунча бўлиб, унда на факат этнографияси, балки келиб чиқиши хам хисобга олинмайди (айрим турки тилли халклар бу тилни кўшниларидан мулокот жараёнида ўзлаштириб олганлар). Атама бундай тарзда хар хил кўлланган холда аникликлар киритиш талаб этилади. Китобимизда тарихи тасвир этилаётган халк, чалкашлик келиб чикмаслиги учун, VI асрда жужан ва хитойлар атагани каби туркут деб номланади.

Мазкур Ашина номи билан бирлашган беш юз хонадоннинг келиб чиқиши кандай ва канака бўлишидан катъий назар, аскарий муваффакият эпкинни уларни Хитойдан Олтойга судрагунча, улар ўзаро мўгул тилида алока килганлар. Юз йил давомида турки тил муваффакият эпкинни уларни Хитойдан Олтойга судрагунча, улар ўзаро мўгул тилида алока килганлар. Юз йил давомида турки тил мухитида яшаш сўзлашув нуткини тезлик билан алмашилишига олиб келган кўринади, чунки "беш юз хонадон" турк денгизи учун бир томчи сувдай эди. Шунини эсда тутмок лозимки, VI юзйиллик ўрталарига келиб Ашина уруги аъзолари ва уларнинг хамроҳдари тўла турклашиб бўлган ва ўтмиш мўгул тиллиликдан факат унвонларидагина асорат колган эди.

Юкорида айтилганлардан аник кўриниб турибдики, турки тилли бўлиш ва ўзларини турк//туркут деб атаган халкнинг келиб чиқиши бошка-бошка ходисалардир. Хозир турки деб аталувчи тиллар жуда кадим замонларда таркиб топган³⁶, "туркут" деган халк эса Олтой ва унинг тоголди минтакасига хос бўлган ўрмончўл майдонида этник аралашиб натижасида V аср охирида бунёд бўлди. Келгиндиларнинг махаллий ахоли билан чатишиб кетиши шу даражада эдики, юз йилдан кейин - 546 йилда кадимги турки ёки туркут деб аталувчи ягона ва яхлит халкдунё юзини кўрди.

Турки тил доираси эса ўша замонлардаёк, Олтойдан анча олис гарбий ўлкаларни камраб олиб, у ерларда гузлар, канглилар, бажинак (печенег)лар, кадимги булгорлар ва гуннлар яшар эдилар.

Лев Гумилев